



ТОШКЕНТ ОҚШОВИ

ПАХАР ИЖТИМОЙ-СНЕСИЙ ГАЗЕТАСИ

XVI сароси
Барча маблардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб адо этган Сурхондарё вилояти галлакорларига таъриқ йўлади.

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида** Барт Стас раҳбарлигидаги Европа Парламентининг Марказий Осий давлатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. Шундан сўнг Олий Мажлисида «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Парламент ҳамкорлиги қўмитасининг иккинчи йиғилиши бошланди.

● **Кеча** Олий Мажлисида «Аёл ва экология: ногирон болалар туғилишининг сабаблари ва унинг олдини олиш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида** Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Ватанимиз Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган «Ўзбекистон фани: ўтмиш, бугун, келajak» мавзусидаги икки кунлик илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **Нукусда** Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисида»ги қарорини амалга оширишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

● **Хоразм вилояти** деҳқонлари ҳам давлатга галла сотиш йиллик шартнома режасини бажардилар.

● **Кеча** Тошкентда Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган «Иқтисодий ривожланишда интеллектуал мулкнинг роли» мавзусида минтақавий конференция иш бошланди.

● **Бугун** Европа тикланиш ва тараққиёт банки директорлар кенгаши делегациясининг мамлакатимизга ташрифи бошланди.

● **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида** мамлакатимиз олий ўқув юрталарида 100 дан ортиқ фан бўйича ўтказилаётган республика талабалар олимпиадаси голлилари билан учрашув бўлиб ўтди.

● **Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитасининг** бўлиб ўтган йиғилишида мамлакатимиз спорт делегациясининг IV Марказий Осий ўйинларига тайёргарлиги масалалари кўриб чиқилди.

● **Тошкентда** жорий йилнинг ноябрь ойида Бразилияда шахмат бўйича эркаклар ўртасида бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатининг худудий саралаш турнири ўз ниҳоясига етди. Унда чемпионатга бериладиган иккита йўлнамалардан биринчиси Шурат Сафин қўлга киритди. Юртдошимиз Рустам Қосимжонов жаҳон чемпионатида махсус таклифнома олгани боис шахматчилар баҳасида иштирок этмади.

● **Алматыда** «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси тақдироти ва семинар бўлиб ўтди. Унда Қозоғистоннинг 100 дан зиёд сайёҳлик фирмалари вакиллари иштирок этти.

● **Кеча** Москвада Россия Федерацияси Президенти В. Путин ва Бош вазир М. Касьянов Норвегия Бош вазири Е. Столтенберг билан музокаралар ўтказишди.

● **Бугун** Беларусь Президенти А. Лукашенко ўзининг Москвага амалий ташрифини бошлади. Унинг Россия Федерацияси Президенти В. Путин билан иттифок давлати доирасида икки томонлама муносабатларини ривожлантириш масалаларини муҳофаза этиши кутилмоқда.

● **Кеча** Бокуда Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеясининг мажлиси очилди. Унда Арманистон парламент делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

● **Озарбайжонда** Каспий ҳавзасига кирувчи Россия, Эрон, Озарбайжон, Туркменистон ва Қозоғистон давлатлари ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари денгизни ўзаро тақсимлаб олиш масаласида музокара олиб борди.

● **Бугун** БМТ ташаббуси ва шафелиги остида Жаҳон қочқоқлар кўни нишонланмоқда.

● **Литвада** олти нафар вазир истеъфога кетиши тўғрисидаги қарорини бажарганидан кейин ҳукумат танглиги бошланди.

● **Америкага** ташриф буюрган Япония ташқи ишлар вазири Макико Танака АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл билан учрашди.

● **Югославиянинг** собиқ Президенти Слободан Милошевич устидан олиб борилган тергов ниҳоясига етган. Шу йилнинг апрель ойидан бери қамоқда сақланаётган бу шахснинг порахўрлиги ва амалини суиистеъмол қилганлиги ҳақидаги материаллар прокуратурага топширилди. Белград маъмури С. Милошевичи толов тўлаш билан гаровга чиқаришга розилик бермадилар.

● **Озарбайжон Президенти** Х. Алиев мамлакатда шу йилнинг 1 августидан деярли барча матбос махсулотлари кирил ёзувидан лотин ёзувига ўтишини амалга ошириш тўғрисида Фармон берди.

● **Тожикистон** Ички ишлар расмийларининг хабар беришича, Россия маъмури Тожикистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари Хабиб Сангиновнинг ўлдирилишида гумон қилинаётган С. Каримовни республика иктиёрига топширишга рози бўлганлар. Бу ишга алоқадор яна 6 киши ҳам қўлга олинган.

● **Деҳли** шаҳрида халқаро террорчи Усома бин Лоденнинг икки нафар айдоғчи АҚШ элчихонасини портлатишда гумон қилиниб, ҳибсга олинди.

● **Грузия** ташқи ишлар вазири И. Менгершвили Туркия-Грузия муносабатларининг ривожланишидан арманистонлик ҳамкасби ноўрин ҳадиксиратганлигини, иккала давлат ўртасидаги муносабатлар Арманистонга қарши қарилмаганини таъкидлади.

● **Швециянинг** Гётеборг шаҳрида Европа Иттифоқининг навбатдаги саммити бўлиб ўтаётган пайтда содир бўлган тартибсизликлар натижасида 500 киши ҳибсга олинди.

● **Кеча** Токиода пичоқ билан қуролланган аёл болалар бочаси худудига бостириб кирган ва бочанинг бир ходимасини жароҳатлаган. Бахтли тасодиф туфайли болалар орасида қурбонлар бўлмади.

● **Эртага** Анголада ва унга яқин бўлган худудларда қуёш тўла тутилишининг гувоҳи бўлиш мумкин.

БОКС

Артурнинг навбатдаги галабаси

Спорт ишқибозлари орасида «Кирол Артур» номи билан машҳур бўлган профессионал бокс бўйича ўз вази тоғонасида ўн ўрт қарра жаҳон чемпиони, ҳамюрти Артур Григорян кўни кеча ўзининг 15-жангида галабага эришди. Бу

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ТАДБИРКОРЛИК

Бежирим мебеллар

«Мак-S» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган идора, маиший, ошхона ва меҳмонхона мебеллари сифати ва бежиримлиги, мустақамлиги ва ўзгача кўриниши билан алоҳида ажралиб туради.

Пойтахтимизнинг Миробод туманида фаолият юритаётган бу кичик корхонада ўзимизда тайёрланган энг замонавий технология асосида мебель махсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Утган йили жамоа мебелсозларининг ғайрати билан 15 миллион сўмликка яқин махсулот тайёрланган бўлса, бу йилги буюртмалар анча кўпроқ. Бу, албатта, корхона тadbirkorларининг бозор иқтисодиёти шароитида изланаётганидан, янги, замонавий махсулот турларини яратиб беришдан, харидор талабини чуқур ўрганаётганидан дарақдир.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида 4 миллион сўмлик мебель махсулотлари ишлаб чиқаришга эришдик, — дейди корхона раҳбари Сергей Корогодов. — Пойтахтимизда мебель ишлаб чиқарадиган корхоналар анчагина. Шу боис ҳам биз рақобатга чидамли, харидор дидига мос мебеллар яратиш йўлида ҳаракат қилаёмиз. Мақсадимиз маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини боса оладиган махсулот яратишдир.

Дилдора ҒАНИЕВА

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги экологик таълимга мослаштирилган 250 ўринли «Оруз» болалар боғчасида боғча битрувчилари иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Хайр боғча — салом мактаб» деб номланди.

● **ИСТИКЛОЛ** шарофати туфайли пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган халқаро мактабда 6 нафар битрувчи синф ўқувчилари иштирокида хайрлашув кечаси бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ва Тошкент вилояти аёллар уюшмаларининг Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги Оила ва жамият институтида ўтказган тадбири аёлларнинг жамиятдаги тугган ўрнига.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги 19-болалар боғчасида битрувчи гуруҳлар тарбияланувчилари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар врачлар малакасини ошириш институтида шифокорлар иштирокида йиғилиш ўтказилиб, унда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва ислохотларни жаддалаштиришга оид масалалар муҳофаза этилди.

● **ШАХРИМИЗДА** Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан 17 кишидан иборат «Болалар» ташкилоти очилишига бағишланган таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

● **ПОЙТАХТИМИЗДА** Ботаника боғида юртимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар ва дипломатик корпуслар вакиллари иштирокида экологик ҳашар уюштирилиб, боғ худуди ораста ҳолга келтирилди.

● **ЎТГАН** кун мактаб ўқувчиларининг ёғи таътили муносабати билан Юнусободдаги КРИДИ — ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамиятининг 60 нафар аъзоси Тошкент денгизи бўйига саёхатга чиқишди ва болажонлар у ерда кўнгли ҳордиқ чиқаришди.

Ҳамкорликдаги фаолият — муваффақият гарови

Маълумки, фуқароларнинг ўзини-ўзи боқариш органларига сайлов ўзи ажратиб этмоқда. Республиканинг ҳар бир вилояти, жумладан шаҳримиздаги барча маҳаллаларда халқ энг муносиб, жонқуяр, фидойи ва ҳалол инсонлари оқсоқолликка, унинг маслаҳатчилари, турли комиссиялар таркибига сайламоқда.

Республикаимизда биринчи бўлиб Собир Раҳимов туманида фуқароларнинг ўзини-ўзи боқариш органига сайловлар яқунланиб, барча янги сайланган оқсоқоллар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Чоқ мулоқот тарзида ўтказилган учрашувда сайлов яқунлари сарҳисоб қилиниб, ушбу жараёндаги ютуқ ва камчиликлар атрофида таҳлил қилиниб, галдаги муҳим режа ва вазифалар белгилаб олинди. Айниқса, Мустақиллигимизнинг кутлуг 10 йиллик тўйини муносив кутиб олиш, жойларда ободонлаштириш, озодагарчилик, маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар бамавсаҳат қилинди.

— Туманимизда шаҳримиз бўйича энг кўп — 56 та маҳалла мавжуд бўлиб, сайлов жараёнида 110 миңдан зиёд фуқаро қатнашди. — деди жумладан фуқароларнинг ўзини-ўзи боқариш органига сайловлар натижаларини таҳлил қилар экан туман ҳокими Аҳмажон Миржалилов. — Натижада ўн та маҳаллада оқсоқоллар янгиланди, учта маҳаллада эндиликда аёллар бошқаради. Ушбу сайловларнинг олдингиларидан фарқи шунда бўлдики, оқсоқоллар муқобиллик асосида сайланди, фуқароларнинг фалоллиги ошиб, ўз маҳаллалари, хусусан жамият ҳаётига бефарқ эмасликларини

билдирдилар. Бу эса янги сайланган оқсоқоллар, маслаҳатчилар, турли комиссиялар аъзоларига янада кўпроқ масъулият ва жавабгарлик ҳиссини юқлайди.

Шуни айтиш керакки, эндиликда маҳаллалардаги хотин-қизлар кенгашлари комиссияларга айлантирилиб, унинг раисларининг мавқелари ошган ҳолда оқсоқол ўринбосари сифатида фаолият бошлайдилар. Бинобарин, аёллар ўз дарду ташвишларини бемалол ўртоқлашиб, унинг ечимларини топишлари йўлидаги имкониятлар янада ошди. Учрашув давомида тумандаги барча маҳаллалар оқсоқоллари олдига хотин-қизлар комиссияларининг раислари фаолиятига ҳар томонлама қўмақлашиб, улар учун алоҳида хона ажратиш масаласи ҳам қўйилди.

Умуман, тумани янада ривожлантириш, обод қилиш, Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш борасида оқсоқолларда катта куч ва имкониятлар мавжуд. Оқсоқоллар билан бамавсаҳат ҳар бир маҳаллада спортни ривожлантириш учун «Ичигади Оқтепаси» маҳалласидаги каби спорт майдончаларини қуриш, 1 сентабрга қадар ҳашарлар ўтказиб туман худудини ободонлаштириш, тadbirkorлик ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирган ҳолда ҳар бир маҳаллада жуда бўлмаса битта кичик корхона очган ҳолда ҳамкорликда ишлаш, коммунал соҳадаги ислохотларни амалга оширишда ширкатлар фаолиятини ривожлантириш уларнинг оқсоқоллар билан ҳамкорликда ишлашини йўлга қўйиш лозим бўлади. Аммо бу борада барча ишларни қонун доирасида, адолат тамойилларида кўра ҳал этиш муҳим

ўрин тутиши керак. Айниқса, келажикда бўлган ишларимиз тарбиясига эътиборни қаратиш, уларни турли оқимлар таъсирига тушиб қолишдан сақлашимиз лозим.

Шунингдек, ўз сўзида туман прокурори Саидқабар Рўзиев Президентимизнинг кечиримли, оқилона сиёсатлари туфайли жиноят йўлига кирганларнинг ўз оилаларига қайтганлари ҳақида гапириб, бинобарин айтиш пайтда уларнинг ҳаётида ўз ўрниларини топишлари, ишга жойлаштиришга қўмақлашмишда маҳаллаларнинг ўрни катта эканлигини айтиб ўтди.

Учрашув давомида шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Ақромов, Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Шухрат Жалилов, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раҳбари Аъзамжон Ғадойбоев ва бошқалар кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида ваколатлари тобора ошиб бораётган маҳаллаларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни, шунингдек уларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган янги ишлар — шаҳар ҳокимининг қарори билан ҳар бир маҳаллада бухгалтерлик штабининг жорий этилиши, «Футболимиз келажик» мусобаларида ҳамкорлик равишида 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида шахмат мусобакалари ташкил этилаётгани, қариндошлари қўлида тарбияланаётган етим-есирларнинг маҳаллалар томонидан оилага олиниб, уларнинг ўқишлари, ишга жойлаштиришга ёрдам бериб оёққа турғазини режаланаётгани хусусида тўхталиб ўтишди.

Учрашув давомида айрим оқсоқоллар ўз иш таърибалари билан ўртоқлашди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ЁЗ-2001

МЭРИЛЕНД УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЭЪТИРОФИ



Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов АҚШдаги бўлиб ўтган муассасаларидан бири — Мэриленд университетининг Фахрий ёрлиғи ва Нишони билан тақдирланди.

19 июнь кун Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда Мэриленд университети президенти Даниел Моут ушбу мукофотларни мамлакатимиз раҳбарига тантанали равишда топширди. Д. Моутнинг таъкидлашича, университетнинг маъмурияти таълим, маданият ва иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда жамият тараққиёти йўлидаги буюк хизматлари учун Ислам Каримовни ана шундай тақдирлашга қарор қилган. Айни пайтда давлатимиз раҳбари бу юксак мукофотга сазовор бўлган биринчи шахсдир.

Мамлакатимиз раҳбари бундай эътибор учун университет аҳлига миннатдорлик билдирди.

Ислам Каримов университет президенти Д. Моут бошчилигидаги делегация аъзолари билан мулоқот чоғида таълим соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш дavar талаби бўлиб қолаётганини таъкидлади.

— Сизёсат, иқтисод ёки бошқа соҳа бўйича ҳамкорлик ўз йўлига, лекин таълим соҳасидаги алоқалар янада муҳимроқ аҳамиятга эга, — деди жумладан мамлакатимиз раҳбари. — Таълим ўзаро ҳамкорлик ривожидан ҳам, янги тараққиётда ҳам муҳим ўрин тутадиган асосий омилдир. АҚШнинг бугунги тараққиёти, демократия борасидаги муваффақиятлари ҳаммаси таълим туфайли, деб ўйлайман. Биз ҳам юртимизда таълимни ривожлантириш орқали шундай натижаларга эришамиз.

Учрашувда таълим соҳасида Ўзбекистон-АҚШ алоқаларини янада мустаҳкамлаш кераклиги таъкидланди. Хусусан, ўзбекистонлик ёшларнинг «Умид» жамғармаси орқали АҚШ олий ўқув юрталарида тахсил олиб қайтаётгани ҳамкорликнинг муваффақиятли натижаларидан биридир.

Мэриленд университети билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Масалан, университет АҚШ Давлат департаменти билан биргаликда Ўзбекистон учун кишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш лойиҳасида иштирок этмоқда. Лойиҳа доирасида Тошкент, Бухоро ва Наманганда таълим-маслаҳат марказлари очилди, ўзбекистонлик мутахассислар Мэриленд университетининг кишлоқ хўжалигига алоқадор бўлимларида малака оширмоқда.

Шунингдек, университет раҳбариятининг Ўзбекистон билан ахборот технологияларини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш борасидаги қизиқиши эътиборга молик. Делегация аъзолари билан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида мамлакатимизда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази яратиш ҳамда масофадан туриб ўқитиш борасида эришилган келишувлар университетнинг Ўзбекистонга қизиқиши кучлигидан далolat беради.

Мэриленд университети нафақат АҚШ, балки дунёдаги нуфузли таълим муассасалари қаторида туради. Хусусан, университет ахборот технологиялари, интернет ва кино тадқиқотлари билан машҳур. Университетнинг бир йиллик бюджети салкам бир миллиард долларга тенг.

(УЗА).

СУРАТДА: учрашув пайти.

Муҳаммад Амин олган сурат.

Қорақалпоқ болалари — пойтахт оромгоҳларида

Меҳнатқашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва мароқли дам олишини ташкил этиш касабаси уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Сувнинг таъкидидан азият чекаётган Оролбўйи аҳолисига мамлакат микёсида кенг қўлама моддий, маънавий ёрдам берилаётган даврда хайрли ишни одатга айлантирган Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши ҳам баҳоли қудрат кўмак бермоқдалар. Ёзги мавсумда Тошкент вилоятининг Бўстонлик ва Паркент тумани худудларидаги сўлим

оромгоҳларда қардош қорақалпоқ халқининг минглаб ўғил-қизлари мириқиб дам олиб, соғликларини мустаҳкамлайдилар. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига биринчи навбат бўйича 2850 нафар, жами бўлиб ёзги мавсумда 9 миң нафар қорақалпоқ фарзандлари қабул қилинади. Тошкент заминига қадам қўйиб, болаларча бегубор табассум билан автобусга тушишга отланаётган қатор болалар қувончларини баён этдилар. «Мен, Омонгелди Юсупов Шуманай-данман. Хурсандман. Оталарча меҳрибонлик қилган ҳукуматга раҳмат. Оромгоҳда дам ола-

ман, дўстлар орттираман, спорт билан шуғулланаман, сузиш ҳавзасида маза қилиб чўмилиман». Кўринишдан ёқимтой, истараси иссиқ, зукко бола эътиборини тортди. «Мен, Одибек Сафарев Нукусдаги 11-мактабнинг 6-«а»-синф ўқувчисиман. Ёзининг иссиқ кунларида оромгоҳларда яйраб дам олишга шaroит яратиб бераётганликлари, болаларга меҳр-муҳаббат учун Президентимизга миң марта раҳмат дейман. Мен, Гулноза Абдодова 12 ёшдаман, Эллиқалъа туманидаги Беруний номидаги 22-ўрта мактабда ўқийман Мен қатор тенгдошларим каби

гўзал Тошкентга келдим. Салқин оромгоҳларда яхши дам оламиз. Бунинг учун жонажон Ўзбекистонимиз раҳбарларидан миннатдоримиз». Қорақалпоғистондан келган қайси бола билан суҳбатлашсангиз уларнинг миннатдорчилик сўзларини тинглаб, жаҳонда меҳр-муҳаббат, дўстлик туйғуси бу синовли дунёда ҳар қандай машаққатни енгишга қодир куч эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Келажикимиз вориси бўлган болалар соғлом, кучли, ақли бўлиб воғга етган, юрт раванқига ҳисса қўшадилар. Бу меҳрнинг мевасидир. **Улўбек ПЎЛТОВ**

БОКС

ТАНЛОВЛАР

ИСТИҚЛОЛ
ТЕНГДОШИМАН

Пойтахтимиздаги Бобур номидаги истироҳат боғида яқинлашиб келатган Республикамиз Мустақиллигининг кутлуг 10 йиллигига бағишлаб ҳамда оналар ва болалар йили муносабати билан «Истиқлол тенгдошиман» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Ушбу кўрик-танловда Яқкасарой туманида истиқомат қилувчи истиқлол тенгдошлари — 10 ёшли ўғил-қизлар иштирок этишиб, улар ўзларининг кўйиқ айтиш, рақсга тушиш ҳамда асфальтга расм чизиб истеъдодларини намойиш этдилар. Ватан ҳақида ёниб куйлаган Хасан Орипов, ўзининг дилрабо рақси билан барчани мафтун этган Нарғиза Муҳамедова, асфальтга расм чизибда ўртоқларидан ўзиб кетган Алёна Салоҳидиновалар биринчи ўрин соҳибдорлари бўлишди. Фойиб ўқувчиларга ва 2-, 3-ўрин соҳибдорига ҳамойилар — Тошкент шаҳар бош солиқ бошқармасининг совгалари топширилди.

Шунингдек, ушбу тadbирга улуг ва азиз байрам — Истиқлол нишонланган кунда 10 ёшга қадам қўйдиган 7 нафар ўғил-қиз тақдир этилиб, қизин мурабракбод этилиди ва уларнинг барчасига магнитфон совға сифатида топширилди.

Дилноза ГИЁСОВА

ТАДҚИКОТ

Тақдирланган
изланишлар

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника институти ўзининг «патент-ахборот» бўлимига ҳам эга. Ботаник олимларнинг қатор йирик изланишлари ана шу бўлим орқали энг яхши ихтиролар рўйхатида киритилди.

Илмий муассасанинг изланувчан ходимлари олиб борган тадқиқотлар асосида турли курилмалар ҳам яратилди. «Микросува ўтларини ўстириш учун курилма» шулардан бири ҳисобланади.

«Тенин сакловчи ўсимликлардан ошловчи экстракт олиш усуллари», «Тери ошлов усуллари», «Дарахт ўсимликларининг санитария-гигиеник хоссаларини аниқлаш усули» каби изланишлар ҳам патент билан таъминланди.

Бундан ташқари «Сурункали бронхит касаллигини даволаш учун комплекс усуллар», «Сурункали ўпка касалликларини даволаш усуллари» каби тадқиқотлар кутилган натижаларни бериб, амалиётга тадбиқ этилди.

Ақбар АЛИЕВ

ТАДБИРЛАР

Авлодлар
учрашуви

Яқинда Сергели туманида тадбир бўлиб ўтди. Унда туманда истиқомат қилуватган уруш ва меҳнат фахрийлари, турли касбдаги ишчи ва хизматчилар, ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар ва воёга етмаган болалар иштирок этди.

Бу учрашувни ташкиллаштиришдан асосий мақсад — дейди учрашув ташкилотчиларидан ХДП туман кенгаши биринчи котибаси Лола Исмаилова, — болаларимизни ҳақ йилда тарбиялаш. Токи улар кўр-кўрона бирор ноқуя ишларга қўл урмасинлар. Ёшларга ибратли ишларимизни, фидокор инсонларимизни фаложиятини, Ватанимизнинг порлоқ келажagini тушуниришимиз ва кўрсатишимиз керак.

Кенчада туманининг бир қатор саховатпеша корхона ва ташкилотлари, «Нуроний», «Махалла», «Соғлом авлод учун» жағғармалари, «Камолот» ёшлар иктивий ҳаракатининг туман бўлими вакиллари, 12-автосув саройи, «Сергели» мебель ишлаб чиқариш акционерлик жамияти, «Сибирь-Ақбар» қўшма корхоналаридан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этишиб, ёшларга турли хил совға-саломлар улаштирди.

Абдурашул МУРОДОВ

Мен 1966 йилдан 1982 йилгача роса 16 йил «Тошкент оқшом» газетасида бўлим мудирли бўлиб ишладим. Кейинчалик билсам бу йиллар менин ҳаётимдаги энг сермазмун, энг сермақсул, энг нурли йиллар бўлган экан. Албатта, одамнинг ҳаёти шахмат тахтасидаги пьеданнинг юришига ўхшайди. Гоҳ оқ қатқан ўтади, гоҳ қора қатқан. У дамлар нукул байрамдан иборат бўлди, десам тўғри бўлмайди. Нохушлиқлар ҳам бўлган, жудолликлар ҳам... Лекин барибир, менимча, «Тошкент оқшом»да ишлаган даврим ҳаётимнинг энг ёрқин йиллари десам муболағла бўлмайди.

«Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ соя», «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишларини», «Инсон садоқати», «Тўйлар муборак» каби асарлар шу йилларда дунёга келди. Яна муҳими шуки, «Тошкент оқшом»да бениҳоя фидойий, бениҳоя софдил инсонларни учратдим. Шулардан бири, ҳеч шубҳасиз, газетанин бош муҳаррири Саъдулла Кароматов эди. Саъдулла ака ҳақиқий журналист, ҳақиқий муҳаррир эди.

Тошкент зилзиласидан кейин янги очилган газетанин алоҳида тахририят биноси ҳам, анжомлари ҳам йўқ эди. Бизлар эски банк биносида ишлардик. Банкнинг цемент поли шу қадар жонга тегардики, мен болалигимдан бод касалига йўлиққаным учун кўпинча этик кийиб юришга мажбур бўлардим. Кўп ҳолларда биз кечаси билан тахририятда қолиб кетардик.

Саъдулла Кароматов ходимларга нисбатан жуда талабчан, газетанин ҳар томонлама қизиқарли ва мукамал бўлишига ҳаракат қиладиган муҳаррир эди. Эсимда бор, бир кун Саъдулла ака ходимларни тўлаб, шундай талаб қўйди: «Бугун ҳар бир ижодий ходим битта янги руқн топмаса, ҳеч ким уйга кетмайди». Ҳақиқатан ҳам ўша кун деярли ярим кечагача қолиб ҳаммамиз янги мавзулар, янги руқнлар устида бош қотирдик. Шу тариқа газета саҳифасига янгиҳа ҳава, янгиҳа йўналиш киритилди.

Газета саҳифаларида ўша давр учун қалтис бўлган материаллар тез-тез пайдо бўларди. Эсимда, шундай мақолалардан бири тил билан алоқадор чиқиш бўлди. Ўша пайта Тошкент кўчаларига тилимизни ниҳоят ҳақорат қиладиган пешлавлар эиб қўйиларди. Масалан, «ул. Хуршида кўчаси» деб эзиларди. Русчасига ўқиганда «улица Хуршида» деган маънони тушуниш мумкин лекин унинг ортидан «кўчаси» деб тиркаб қўйилгани билан у мутлақо маъно бермаслиги аён эди. Яъни кўча Хуршид номидаги эки Хуршида деган кўчами, деган савол туғиларди. «Правда Востока» кўчасидаги тўрт қаватли редакция биносининг ёнида гул дўкони бор эди. Унинг пештоқига «Цветы Ташкента гуллари» деб эзиб қўйилганди. «Цветы Ташкента» деган сўзга тушуниш мумкин, лекин «Ташкентта гуллари» нима дегани?

Мана шу мавзуда чиқиш қилганимизда бизни ўша пайтадаги партия раҳбарлари анча нари-бери олиб бориб келишган эди. «Бунинг отини ашаддий миллатчилик деб аталади, аслида кўчанин номи бўлади», дўконнинг номи бўлади, ўзбекчасининг кенгаши йўқ. Ҳаммага тушунарли рус тилида бўлса етди», деганга ўхшаш гаплар билан бизни анча тергадилар. Саъдулла Кароматов газетанин муҳаррири сифатида ўз ходимларини қаттиқ ҳимоя қилишни биларди. Ўша пайтада ҳам «Тошкент оқшом» були республикага тарқаларди ва бунинг сабаби унда жуда жиддий, муҳим чиқишлар бўлиб турарди.

«XX аср овози», «20-йиллар адабиёти» каби саҳифалар газетхонларга манзур бўлган эди. Биз мумтоз адабиётимиз ҳақида олимлар, мутахассисларнинг кўплаб чиқишларини қилганмиз. Шундай чиқишлардан бири — профессор Эргаш Рустамовнинг Аҳмад Ясавий ҳикматлари ҳақидаги мақоласи ва

ҳазрат Ясавийнинг ҳикматларидан намуналар берилгани эсимдан чиқмайди. Қизиги шундаки, ўша саҳифа тасодифан Курбон ҳайити кунига эълон қилиниб қолган. Шунда «Тошкент оқшом» тахририяти бу ишни атайлаб қилди, ўқувчиларга Курбон ҳайити эслатиш учун қилди», деб муаллифини ҳам, тахририят ходимларини (жумладан мени ҳам) анча судра-судра қилишган.

Яна бир воқеа эсимда. «Тошкент оқшом» саҳифаларида «Муқаддас қасамни бузганлар» мақоласи эълон қилинди. Мақолада ўз касбининг фидойисини бўлган шифокорлар, ўз соҳасини яхши биладиган тиббиёт ходимлари оз эмаслиги мисоллар билан айтилган. Лекин шу билан бирга улар орасида Гиппократ қасамини бузганлар, беморлардан ниманидир таъма қиладиган эки пора олишга уринадиган шифокорлар ҳам йўқ эмаслиги эзилган эди.

Ўша кун котиба мени бош муҳаррирининг хонасига тақдир қилиб қолди. Кирсам Саъдулла ака телефонда ким биландир жуда асабийлашиб гаплашяпти. Унинг бир гапи ҳамон қулоғимда турибди. Саъдулла ака телефоннинг нариги томонида одамга: «Сиз оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунни бузаясиз, мен сизга ҳали чиқмаган газетани ўқишга беришга мажбур эмасман!» деди ҳайқириб.

Шундан кейин бош муҳаррир менга шаҳар ижроқўмағи боришим лозимлигини, у ерда «Муқаддас қасамни бузганлар» Эмомалӣ муҳокама қилинишини айтди.

Каттагина зални тўлдириб, анча одам ўтирган экан. Улар орасида шаҳар Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, шаҳар прокурори, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарлари, турли академиклар, профессорлар, шифокорлар ўтиришган эди. Мақолати шоша-пиша рус тилига таржима қилинибди. Ўқиб беришди. Табиийки, мақола йиғилганларга ёқмади. Ўша пайтадаги ижроқўм раҳбарларидан бири опахон (у кишининг исмларини айтишим шарт эмас) менга қаттиқ дашном берди. «Сиз мутлақо нотўғри иш қилибсиз. Масалан, эртага «Тошкент оқшом» газетасида чиққан мақола ҳақида «Америка овози» эки «Би-Би-Си» дунёга жар солиб, совет врачлари порахўр, таъмагир экан, деб эълон қилса нима дейсиз?» Мен айтдим: «Биринчидан, биз ўзимиздаги камчиликлар ҳақида гапирмасак, душманларимиз албатта гапирарди. Агар биз ўзимизнинг нуқсонларимиз ҳақида шивирлаб гапирмасак, рақибларимиз бақириб гапирарди. Биз ўз нуқсонларимизни куюниб гапирмасак, улар суюниб гапирарди. «Ўзбекистон — халқ тили ва виждонидир!» Бу — менин гапим эмас, Леонид Ильич Брежневнинг гапи. Халқнинг тили ва виждони эса халққа рост гапни айтиши керак», дедим ишонч билан.

Биламанки, Брежнев бу гапни айтмаган. Аммо мажлисада ўтирганлар Генсек бу гапни айтмаган, дейлашди. Чунки Брежневнинг ўзи ёзувчиларнинг «каттаси» бўлиб қолган. «Кичик ер», «Тикланиш» деган китоблари чиққан. Катта-кичик мажлисларда «Биз — ёзувчилар» деб гапирарди. Боғи гапни айтган бўлса, айтгандир-да. Моҳият-эътибори билан рост гап-ку!

Шундан кейин йиғилишдаги вазият дарров ўзгарди. Шамол бошқа томон эса бошлади. Мажлис ахли ҳақиқатан ҳам орамизда шундай шифокорлар борлиғи, унча-мунча таъма қиладиганлари ҳам йўқ эмаслиғи ва ёзувчи бу ҳақда алопатли мақола ёзганини таъкидлашди. Бундан бир неча йил олдин мени даволаган профессор Рауф Абдуллаев, машҳур кўз дўхтири Маҳмадjon Комиллов ва бошқалар битта порахўр шифокор бўлса ҳам бизга бу ниҳоятда уят-жула дилбар ҳикоялар, теран мақолалар ёзарди.

«Нур борки, соя бор» романим эзилганда иш ниҳоятда кўпайиб кетди. Бир кун Тўлқин акага шикоят қилдим. «Бу ерда тахририятнинг иши етарли. Кечалари уйда ишлайман. Асарни ёзишдан кўнглим совиб қолгани деб қўрқаман», дедим. (Бир одамим бор, у ҳамон сақланиб қолган. Каттароқ асар ёзаётган-

Махсус «Оқшом» учун

жони эди. Ҳаммани «Азизим» деб қақрирар, ўзининг иши ҳар қанча кўп бўлишига қарамасдан ённи кимдир бирор дард билан келса эки маслаҳат сўраса,

да бошқа ишга чалғиб кетсам, ўша асарни ташлаб юбораман). Тўлқин ака мендан иккинчи қаватдаги хонамининг калитини сўралди. У пайтада янги бинаго

Ўткир ХОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

НУРЛИ
ЙИЛЛАР

1966 йилнинг 1 июлида «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг биринчи сони муштарийлар қўлига бориб етди. Турли йилларда бу даргоҳда эл хурматини қозонган адиб ва журналистлар, олим ва алломалар хизмат қилган.

Ўзининг теран фалсафий романилари, китобхонни дарзага соладиган қисса ва хикоялари, сахна асарлари, публицистик асарлари, ичак узди ҳажвий китоблари билан эл эътиқодини қозонган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимовнинг тахририятда узок йиллар меҳнат қилган. Тахририятнинг илтимосига бинаор суюкли адибимиз «Оқшом» ва «Вечерка»да ишлаган йиллари ҳақидаги хотираларини тақдим этди.



Диққатингизга ҳавола этилаётган, эндиликда тарихга айланган юқоридagi суратлардаги ушбу лаҳзалар Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқимизнинг ардокли адиби Ўткир Хошимов бугун эҳтиром ила тилга олаётган «Оқшом» газеталари ва унда ишлаган ҳар бир ходим учун ҳам унутилмас лаҳзалардир...

ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, ушаниннг гапига қулоқ солар, маслаҳат берарди. У барчани баравар яхши кўрар эди. Худо раҳмат қилгур ойим Тўлқин акани «бешинчи ўғлим» деб айтар эдилар.

Тўлқин ака билан сирдош дўст эдик. Ҳар йили 8 март арафасида иккалаимиз ўз онамизга янги қўйлакми, жемпирми эки бошқа кийимми олиш учун дўконларни айланардик. Тўлқин ака ўзининг ўғил-қизини, мен ўзимнинг ўғил-қизимни олиб буюр пайтлари Қозогистон қириларига, лозазорга борардик. Ўша ерда варрак ясаб учирардик.

Мен ниманки ёзсам, асарларимнинг ҳаммасини Тўлқин Расулев биринчилардан бўлиб ўқиган ва ҳар гал ниҳоятда жуяли, ниҳоятда тўғри маслаҳатлар берган. Тўлқин аканинг ўзи ҳам жуда дилбар ҳикоялар, теран мақолалар ёзарди.

Тўлқин Расулевнинг ана бир хусусияти у ниҳоятда хушчақчақ, ниҳоятда ҳазил-мутойибага уста эди. Ҳар қандай «фантазия»ни рост қилиб айтар, айтганда ҳам ҳаммани, ҳатто ўзини ҳам ишонтириб юборарди. Ўта гўзал, ўзининг тили билан айтганда «кетворган» аёл Тўлқин акага ошқу бекорор бўлиб қолган ҳақидаги саргузашт бутун тахририятда дoston бўлиб кетарди. Лекин орадан маълум муддат ўтиб ўша саргузашт қайтадан ҳикоя қилинганда баъзи саволлар чиқиб қоларди. Масалан, бу воқеа аввал ҳикоя қилинганда қаҳратон қишда рўй берган бўлса, кейинги сафар негадир қовун пишигида бўларди. «Аввал айтганингизда қиш эдику», десангиз, бунга ҳам дарров жавоб топиладди. «Қишдан кейин эз келади-да, азизим!»

Маош эки қалам ҳақи теккан кун Тўлқин ака магазинга зилзила қоларди. Зум ўтмай бир шиша ароқ билан тўртта шар (болалар пуфағи)ни олиб чиқарди. (У пайтада ароқ икки сўм қарсон тийин бўларди). «Савдо қандай бўлди?» десак, сал норозироқ қиёфада жавоб қилар эди: «Болаларга шар олмақчи эдим. Тўртта шар бер, деб, уч сўм узатсам издчасига ароқ берди. Майласи йўқ экан».

Тахририятда Кенжа Ҳамро исмли шоир бор эди. Бухоридан келган ниҳоятда софдил, самимий, содда эди. Тўлқин ака иш охирида қолган пайтада секин бизни хонасига қақрирар эди-да, «Бугун Кенжахошлик қиламиз», деб, Кенжа Ҳамрога телефон қиларди.

Кенжа маним — иқболим маним. Сизнинг шеърларингизни соғиниб кетдик. Сиз аслида ўзбекнинг Расул Гамзатовисиз. Фақат бу ноинсофлар сизни тан олмай турибди. Бугун классик шеърларингиздан эшитайлик, — дерди.

Кенжа Ҳамронинг шеърлари самимий бўларди, лекин тахминан: «Одам туғилару ўлади яна, Фақат эзу иши қилар тантана» қабиллидаги мундайроқ шеърлар бўларди. Лекин Тўлқин ака Кенжа ака асарларини шу қалар кифтини келтириб мақтардики, Кенжа Ҳамро ўзининг ҳозирча тан олманган «тирик классик» эканига чиппа-чин ишониб қолар, «Устоз, бугун чучувархонага борсак қалай бўларкин?» дерди. Иш вақти тугар-туғамас, Солиҳ Ёқубов, Раҳматулла Файзуллоев, Алиназар Эмомалӣзаров, Карим Норматов, Насриддин Муҳаммадиев, Муҳаммадвали Муродов, Тўхтамурод Тошев, Абдуғани Абдуллаев, Ҳамид Икромов, Усмон Юсупов, Абдусамид Обидхўжаев, Маматурсун Отахонов, Абдулла Пулатов, Маҳмуд Комилжанов, Мурод Абдуллаев... Хуллас бир тўла «мухлислар» «Кенжахошлик» илинжида машҳур чучувархона томон йўлга тушардик.

Табиийки, мезбон, яъни «эрвучи» Кенжа ака бўлар эди. Чучуваралдан тановул қилиб, жиндай-жиндай «шайтон суви» отилгач, Тўлқин ака илтимос қиларди: «Қани, бошланг, шоир! Кенжа маним, иқболим маним! Ўқинг, классик шеърлардан! Ҳамманиннг қулоғи сизда!»

Кенжа ака «шеърят кечаси»ни бошлаб берарди: «Одамнинг аёге икки бўлади...»

— Бўлди! — дерди Тўлқин ака хитоб қилиб. — Эшитдингларми?! Шоирнинг фалсафаси зўрлигини кўрдингларми! Шоир айтмоқчики, оёғи иккита, боши битта бўлгани билан ҳаммаюм одам бўлавермайди, демоқчи! Бунга зўр гапни Умар Хайём ҳам айтган эмас. Кенжа маним, иқболим маним!

Кенжа ака мойдек эриб кетарди.

— Яна юзта келтирайми, устоз?

— Юзта-пузта деб ўтирасанми, шипшаси билан обкелавэр! — дерди Тўлқин ака «саховат» билан. Улфатчилик қизигандан қизир, алла-палла бўлганда Тўлқин ака ўтиришга яқун ясар эди.

— Кенжа маним, иқболим маним! Сендан икки дунёда шоир чиқмайди!

Аммо эртаси тушдан кейин «томоқ тақиллай» бошлагач, тагин «Кенжахошлик»ка тайёргарлик бошланар эди...

Тўлқин ака Кенжа Ҳамрога қайтадан телефон қилиб: «Кенжа маним, иқболим маним. Кеча шеърларингизга тўймадик, бугун қайтадан «Кенжахошлик» қилмасак бўлмайди», деб янги ўтиришга «замин тайёрлар» эди.

У пайтада иш ниҳоятда тигиз бўлгани учунми, кўп асабийлашиб чарчаганимиз учунми телефонда ҳазиллар қилар эдик. Масалан, «Тўйлар муборак» комедијасидаги ҳолат ўзимизда бўлган. Содда ҳамкасбимизни бир ойгача алдаб, у ёқдан бу ёққа роса югуртирганмиз. Тўғриси, менда шумроқ одат бор эди: овозини ўзгартириб гапирарга уста эдим.

Ахборот бўлимининг мудир Абдулла Пулатов ҳар кун кавимда «бугун» сўзи билан ўнга ахборот бериши керак эди. Шунинг учун кимдир телефон қилиб ахборот керакми деб сўраса, у қувониб кетарди. Ҳар

кунни ўнга ахборот топишини ўзи бўлмайдил-ла! Бир кунни Абдулла акага овозимни ўзгартириб телефон қилдим: «Бу «Оқшом»ми?». «Ҳа», деган жавоб келди. «Тошкент медицина институтидан телефон қилаймиз, ахборот керакми?» десам, Абдулла ака қувониб кетди. «Домла, бироз тўхтанг, ҳозир мен рўчкамни олволай», деди ҳовлиқиб. Мен: «Ўзинг, — дедим. — Сарлавҳа «Ноёб операция».

Абдулла ака эзинга тушиб кетди. Ахборотнинг мазмуни тахминан бундай эди. Уч кун олдин Тошкент Давлат тиббиёт институтининг иккинчи хирургия бўлимида жаҳонда тенги йўқ ноёб операция қилинди. Бу операция устида фалончи-фалончи академиклар, профессорлар иштирок этишди, деб аллақанча номларни қалаштириб ташладим. Юқори курс талабалари ва практикантлардан фалончилар, деб яна ўндан ортиқ одамнинг исми-шарифини айтдим. Ноёб операция икки соату 45 дақиқа давом этди. Бундай операция тиббиёт тарихида биринчи марта бўлгани учун уни Америка овози, Би-Би-Си радиолари ҳам эълон қилди. Гапни чўзавердим, чўзавердим. Абдулла ака охири терлаб кетди шекилли: «Ўзи қанақа операция?» деб сўраб қолди. Мен ҳамон ўша овозда давом этдим: «Тошкент вилоят Бекобод туманидан келтирилган бемор Аҳмад Валиевнинг чап қулоғи ўзидан ўзи ўсиб кетаверган. Бир ой ичида ўсиб-ўсиб филнинг қулоғи билан баравар бўлиб қолган. Шифокорлар унинг 32 сантиметрлини кесиб ташлаб 9 сантиметрга келтириб қўйишди. Шу билан операция ниҳоятда муваффақ бўлди. Шуни айта туриб, ўзим ҳам қаҳ-қаҳ қулиб юбордим.

Яна бир воқеа. Тошкентда Озарбайжон адабиёти ва санъати декадаси бўлаётган эди. Абдулла ака телефон қилиб сўралди: «Ўткир, сарлавҳани «Озор халқининг байрами» десам бўладими?» «Абдулла ака, эсингиз жойидамиз! — дедим зарда билан. — Сиз Озор халқининг байрами десангиз, байжонлар нима қиларди? Масалан, дунёда қўшалок исми халқлар бўлади, қўшалок исми шаҳарлар бор. Будапешт шаҳрини олайлик. Дунай дарёсининг бир бетида «Буда», иккинчи бетида «Пешт». Шунинг учун Будапешт дейилади. Эки Чехословакия. Агар Ўзбекистонда Чехословакия маданияти кунлари бўлса, сиз чех халқининг байрами десангиз, словяклар тўполон қилиб юборарди-ку! Озарбайжонлар ҳам шунақа. Озорлар билан бирга байжонлар ҳам бор. Масалан, Эронда 2 миллион байжон яшайди. Яхшиси, сарлавҳани «Озор ва байжон халқлари байрами» деб қўйинг.

Абдулла ака: «Шунақами?» деди-ю икки соат ўтгач, қовоғи осилиб мен ўтирган хонага кирди. «Менга нимани ўргатдингиз? Саъдулла Кароматов сўкиб-сўкиб чиқариб юборди-ку!»

Шунга ўхшаш ҳазиллар бир томондан одамнинг руҳини кўтарар, иккинчи томондан эса инсонларни бир-бирига яқин қиларди. Ўша пайтада бирга ишлаган дўстларимдан ҳозир «Оқшом»да Солиҳжон билан Маҳмуджон қолди. Қўшлаб бошқа ёшлар ишляпти. Рус тахририятида Элвара Алайкина, Надежда Панякина, Зухра Аъзамхўжаева ишляпти. Афсуски, ишлаган баъзи дўстларимиз ҳаётдан кўз юмиб кеттишди. Уларнинг жойи жаннатда бўлсин, охирати обод бўлсин. Қолганларнинг умрини берсин.

Яна бошидаги гапта қайтадиган бўлсак, «Оқшом»да ишлаган йилларим мен учун унумли, самарали бўлди. Тўғри, ҳали айтганимдек, ҳар хил оғриқли ҳолатлар ҳам бўлди. Лекин мен учун булар барибир нурли йиллар эди. Озми-кўпми меҳнатин сингган 16 йиллик умрим ўтган, туз ичган манзилимга ҳамisha эҳтиром ва ҳурмат билан қарайман. Бу даргоҳдаги дўстларимга омад тилайман. «Тошкент оқшом»и бугун мамлакатта танилган гўзал, теран фикрли нашр бўлиб қолишини истайман.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб домо бўлур...

● Тўғри, содда ва табиий ҳолда бўлиш — инсонни самимий, ҳақиқатгўй, номусли ва чидамли, саботли бўлишга олиб боради.

● Бу дунёда ҳар бир нарса ўзгаради, аммо фазилат қонунлари сира ўзгармайди.

● Адабнинг юқори босқичи — гўзал ҳулқидир. Афғон шоири Хушшоҳон Хаттақ айтиди: **Икки нарса керак вуқуд учун, бил Биринчиси дилдир, иккинчиси — тил. Дилни сен меҳр ила шафқатга тўлдир, Тилни ҳақиқатнинг ўткир тиги қил.** Машҳур табиблардан Хусайн Рамзий айтиди:

— Инсон учун энг азиз ва муҳтарам бўлган нарса кучли ва соғлом бадандир. Соғлом бадан жуда қимматли нарсадир, инсон у билан маишатини таъмин эта олади. Соғлом бадан бир улуг ҳазинадирки, санонат аҳлилари учун фақат унинг ёрдами билан хизмат қилиб жамиятга зўр манфаат етказадилар.

Соғлом бадан қимматли бир сармайдирки, қалам аҳллари унга таяниб жамиятнинг таълим ва тарбия этиш йўлида фойдали асарлар вуқудга келтирадилар. Соғлом бадан улуг бир қувватдирки, унинг кўмаги билан музаффар армиялар азиз Ватанларини душмандан қўриқлай оладилар.

Ҳикоят: тарихда золимлиги билан ном чиқарган Ҳажжоз кўлига асир бўлиб тушган бир қанча кишига қаттиқ жазо беришни буюрди. Асирлар орасида бир киши Ҳажжозга:

— Эй амир, менга қаттиқ жазо берманг, сизга жуда яхши хизмат қилганман, — деди. Ҳажжоз ундан қандай хизмат қилганини сўради. У киши:

— Бир душманингиз сизни гийбат қилиб, золим деб таъриф-таъсиф қиларди, мен уни манъ қилдим, — деди. Ҳажжоз ундан: «Гувоҳинг борми?» — деб сўраган эди, у киши асирлар орасидан бир кишини гувоҳ этиб кўрсатди. Асир бу ишдан беҳабар бўлса ҳам у кишининг қутулишини кўзлаб:

— Тўғри айтди, мен у ерда ҳозир эдим, сизни ёмонлаб сўзлашдан уни манъ қилди, — деб ёлғондан гувоҳлик берди. Ҳажжоз аччиғаниб унга айтди:

— У ерда сен ҳам бор экансан, душманингиз гийбат қилишдан манъ қилган мана бу кишининг сўзларига нима учун қўшилмай жим ўтирдинг?

— Мен сизни энг ашаддӣ душманим деб биланман, шунинг учун манъ қилишни истамадим, — деб жавоб берди асир.

У икки асирдан бирининг хизмат исбот қилгани учун, иккинчисининг тўғри сўзлагани учун Ҳажжоз ҳар иккисини озод қилди.

Байт:
**Колмағай тўғрилар иши пинҳон,
Қилмағай тўғри сўз кишига зиён.**

● Билим билан бахт-саодат ўйли очилади, билимни эгаллаб, саодат йўлини топ, унга эриш.

● Билимли киши қимматли олтиндир, жоҳил, билимсиз киши арзимас қалбаки ақчадир.

● Киши билим ўрганиб машҳур бўлиб қолади, билимсиз тирикликда кўргуликлар ичида қолади.

● Билимли эр ўлас ҳам, оти ўлмайди, билимсиз киши ҳаёт чоғида ҳам унинг оти ўлиқдир.

● Билим билан олим юқори кўтарилди, билимсизлик, жоҳиллик эса ер кишини қуйи чўқтирди.

Ҳикоят: Алишер Навоий Хуросон ҳокими Хусайн Бойқаро саройида бош вазир экан... Кунлардан бир кун Хусайн Бойқаро эрталаб саройга кириш олдидан Навоийга кўриниш берибди-да, кўрсаткич бармоғи билан бошини кўрсатибди. Навоий ҳам худди ўша бармоғи билан тилини кўрсатибди.

Хусайн Бойқаро бошини чайқабди-да, саройга кирмай, изига қайтибди.

Воқеани кузатиб турган Навоийнинг шогирдлари бу имо-ишоратларнинг сабабини сўрашибди. Навоий бу жумбоқни очини уларнинг ўзларига ҳавола қилибди. Шогирдлар ўйлаб-ўйлаб топишолмабди. Улардан яна бирининг хаёли қочиб сиёҳдонни ағдариб юборибди. Шунда Навоий:

Абдулатиф, хаёлингиз нега бунча паршишон бўлиб қолди? Сиёҳдон ағдарилди-ку, — дебди.

— Кечиринг, устоз, — узр сўрабди Абдулатиф, — ҳалиги муаммонинг сабабини ўйлаб, хаёлим қочибди.

Навоий бояги имо-ишоранинг маъносини айтиб берибди:

— Хусайн «Бошга балони нима келтиради?» — деб сўраб эди, «Тил» деб жавоб қилдим.

Байт:
**Билмагани сўраб ўрганган — олим,
Орланли сўрамаган — ўзига золим.**

● Ёлғончига хатто у тўғри гапирганда ҳам ишонмайси.

● Ёлғон кучга кирган вақтда ҳам барибир ҳеч вақт ҳақиқатга айланмайди.

● Ёлғончилик — қабиҳ иллат.

● Киши янглишган пайтда ҳар қандай одам буни сезади, аммо алдаётганда ҳамма ҳам сезавермайди.

● Ёлғончилик қалб ва танга ҳадсиз уқубат ўқлайди.

Ҳикоят. Бир ўрмонда бир шер болаларини чумолидан ва бошқа хашаротлардан сақлаш мақсадида оғзида олиб юрар экан. Шу ўрмонда бир дуррож ҳам бўлиб, у доим шердан хавфсираб яшар экан.

Лекин дуррож пириллаб учганда шер ҳам бехосдан чўчиб, боласини тишлаб унга озор берар экан. Шер дуррож билан келишмоқчи бўлибди. Шер дуррожни душмандан ҳимоя қилишга, бунинг бадалига дуррож бекордан-бекорга ўчиб, шерни безовта қилмасликка аҳд қилишибди. Лекин дуррож бир неча марта: «Мени кутар, овчи туюқ кўйди», — деб шерни алдабди. Дуррожнинг сўзига бир неча бор алданган шер энди унинг сўзига ишонмай кўяди. Кунлардан бир кун овчи туюқ кўйиб, дуррожни туюққа туширади. Дуррож шерни ёрдамга чақиради. Шер дуррож яна алдаяпти, деб ёрдамга келмайди. Шу билан ёлғончиликда ном чиқарган дуррож ҳалок бўлади.

Байт:
**Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,
Ёлғон, дер эл, чин деса қилгон сўзин.**

МУШТАРИЙ ИЛТИМОСИ

«Биз «Волво» русумли автомобилларга қизқамиз. Эшитишимизча, шундай русумли юк машиналари ҳамда автобуслар ҳам мавжуд экан. Ана шу ҳақда ҳамда республикамизда ташқиш тоған «Волво Трак Корпорейшн» ваколатхонаси тўғрисида маълумот берсангиз».

Шўхрат Невматов,
Бахтиёр Халмаев,
коллеж ўқувчилари»

...1924 йили ишбилармонлар Ассар Габриэлсон ҳамда Густав Ларссон Швецияда энгил автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқ ниятида «Волво» компаниясини тузишди. 1927 йил 14 апрелда эса Гетеборгда заводдан «Волво» русумли илк серияли энгил автомобиль чиқарди. 1928 йил февралдан бошлаб юк машиналари ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Ана шу тарзда «Волво Кар» (енгил автомобиллар), «Волво Трак» (юк машиналари) ҳамда «Волво Бас» (автобуслар) корпорациялари ўз ишини бошлади.

«Волво» концерни президенти Лейф Йоханссон бўлиб, юртимизда ваколатхонаси жойлашган «Волво Трак Корпорейшн» президенти эса Йорма Халонендир. «Волво» дотинчадан ўтирилганда «Ҳаракатдаман», деган маънони аниқлатади. Юртимиздаги барқарор иқтисодий шароит, ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши, транспорт воситаларига эҳтиёжнинг ошиши муносабати билан 1998 йил декабрда «Волво АВ» ҳалқаро концернининг биринчи вице-президенти Ларс Аннел бошчи-

кил этилиб, кўпдан-кўп швед ишбилармонлари, фирмалари мамлакатимиз ҳақида ўз тасаввурига эга бўлди ва бизга қизиқишни ортди. Ушбу қизиқишнинг ёрқин далили — 1999 йил сентябрда Ўзбекистонда «Волво Трак Корпорейшн» ваколатхонаси очилди.

Бу ваколатхонанинг вазифаси — юртимизда юк машиналарига бўлган талабни ўрганиб, сотиш, лизинг,

кредит ташкил қилиш масалаларини ҳал этишдан иборатдир. «Волво Трак Корпорейшн»нинг Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари учун масъул вице-президенти жаноб Том Йорнинг эса Ўзбекистон учун ҳам масъулдир.

«Волво» компаниялар гуруҳининг турли маҳсулотларига Ўзбекистоннинг «Ўзавтотранс», «Ўзавтойўл», «Ўзавтосаноат», Сув ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбектуризм» ва бошқа қатор корхоналари қизиқиш билдирмоқда. 1999-2001 йилларда эса «Волво — энгил», «Волво —

автобуслар», «Волво — стационар ва кема дизеллари», «Волво — конқурилиш машиналари», шунингдек, «Волво — юк машиналари» корпорацияларининг масъул ходимлари юртимизга бир неча мартабта ташриф буюришди...

«Волво Трак Корпорейшн» ваколатхонасининг маркетинг бўйича менежери Тимур Муратовдан идоранинг келгуси режалари ҳақида сўраганимизда, у қуйидагиларни айтди:

«Биз бир ярим йил давомида Ўзбекистондаги «Волво» юк машиналарига бўлган талабни чуқур ўрганидик. Бугунги кунда шу талабга асосланган ҳолда талабгор ташкилотлар билан тўғридан-тўғри ишлар олиб борилмоқда...»

«Волво» юк машинасининг бошқаларидан фарқи — у дунёда энг хавфсиз автомобиль ҳисобланади. Атроф-муҳит ва ҳайдовчию йўловчиға мутлақо зарар етказмайди. Ва ҳар қандай шароитда «Волво» ўз шиори — «Сифат, ишончилик, хавфсизлик ва атроф-муҳитга безарарлик»ка содиқ қолаверади.

Дилшод ҚОСИМОВ,
Жўрабой ХОЛИМАТОВ

«Волво» — «Ҳаракатдаман» дегани



Шахримиздаги 468-болалар богчасида фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб ўсишига муҳим эътибор қаратилмоқда. СўРАТДА: руҳшнос Зураб Шукурова болалар билан даволаш машғулотларини олиб бормоқда.

Равил Альбеков олган сурат.

«050»: ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ ХАБАРЛАРИ

Шаҳар ҳокимининг махсус фармойишига кўра Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қошида «050-қутқарув хизмати» фаолият кўрсатаётганига эндигина икки йил тўлган бўлса-да, шу қисқа вақт мобайнида шахримизда истикомат қилаётган минглаб кишиларнинг турли кўринишдаги фалокатлардан асраб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга эришилди.

— Бу янги хизмат турининг пойтахтимизда ташкил этилиши ҳам мустақилликнинг шарофатидир, — дейди шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Э. Ж. Икромов. — Пойтахтимиз аҳолиси тинчлиги ва оқсоқиллиғи борасида баҳоли қудрат ҳаракат қилаёلمиз. Қутқарув хизмати самарадорлигининг оширилишида шаҳар ҳокимлиги яқиндан ёрдам бермоқда. Қисқа вақт ичида бошқармага янги таъмирдан чиққан бино ажратилди, «Қутқарув хизмати» учун учта янги машина берилиб, зарур асбоб-ускуналар сотиб олинди. Натижада қутқарувчиларимиз томонидан олиб борилаётган хайри ишларда анча ўзгаришлар бўлди.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Бугундан бошлаб «Оқшом» газетаси ҳар чоршанба кuni «050»: қутқарув хизмати хабарлари» рўқни остида пойтахт Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан олиб борилаётган бир ҳафталик ишлар билан сизларни таништириб боришни режалаштирдик. Бундан асосий мақсад сизларни «Қутқарув хизмати» ишлари янгиликларидан воқиф этиш ҳамда рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлардан сақлаб, доимо хушёрликка ва сергакликка даъват этишидир.

10 июнь
● Тонг сахарда соат 5 дан 50 дақиқа ўтганда Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси 7-уйда лифт ишламай қолгани оқибатида бир киши қолиб кетди. Қисқа вақт ичида лифтдаги одам қутқарилди.

● Эрталаб соат йигирма дақиқаси кам 10 да «Анхор» каналида одам чўкиб кетганлиги тўғрисида маълумот олинди. Шу кунийқ қутқарув хизмати гаввослари ёрдамида мурда сувдан чиқариб олинди.

● Кеч соат 21 дан 10 дақиқа ўтганда Мирзо Улугбек тумани, Сафронов кўчаси, 47-уй ертўласида илон борлиги ҳақида хабар олинган, қутқарув хизмати ходимлари юқоридаги манзилга етиб келдилар. Ҳақиқатан ҳам уй ертўласида илон борлиги маълум бўлди. Хонадонда истикомат қилувчиларнинг хавфсизлиги таъминланди.

11 июнь
● Юнусобод тумани, 7-даха, 19-уй, 6-хонадон соҳибни эшик қалитини йўқотиб қўйганлиги, ичкарида болалар қолиб кетгани тўғрисида кўнгирок қилган. Шу заҳоти капитан Р. Раззоков бошчилигидаги қутқарувчилар гуруҳи етиб келиши ва қисқа фурсатда хонадон эшиги очилди.

12 июнь
● Чилонзор тумани, 6-даха, 13-уй, 29-хонадон соҳибни уйи эшиги қалитини ичкарида унутиб қолдиргани, натижада қиролмасдан безовта эканлигини айтиб, «050» га кўнгирок қилган. Етиб келган қутқарув гуруҳи эшикни очиб, дуо олиб қайтишди.

● Навбатдаги хабар ҳам Чилонзор туманидан олинди. Маълум бўлишича, кеч соат 17 ларда 9-даха атрофидаги «Ҳосилот» қаҳвахонаси яқинидаги қудуққа сигир тушиб кетган. Подполковник Х. Умурақов бошчилигидаги қутқарув гуруҳи ситирни қудуқдан олиб чиқшга кўмаклашди.

13 июнь
● Мирзо Улугбек тумани, Қорасув даҳаси, 47-уй ва Қорақамиш 1/2 даҳаси хонадон соҳибларидан эшик қалитларини йўқотиб қўйганликлари ҳақида хабар келган, иккала хонадон эшикчлари ҳам қутқарувчилар томонидан очиб берилди.

● Юнусобод тумани 19-даха, 2-уй, 5-хонадон эшиги ичкаридан ёпилиб қолган, қутқарувчилар балкон орқали кириб эшикни очишди.

● «Минор» қабристон яқинида оқиб ўтаётган Бўзсув каналидан шахси номаълум бўлган, 35-40 ёшлардаги эркек кишининг жасади қутқарувчи-гаввослар томонидан олиб чиқилди. Мазкур иш юзасидан тергов ишлари бошлаб юборилди.

14 июнь
● Юнусобод тумани, 18-даха, 12-поликлиника яқинидаги юқори кўчалниш ил устунга бир болакай чўкиб, қайтиб тушолмагани тўғрисида тезкор ахборот олинди. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида бола устун тепасидан хавфсиз хойга олиб тушилди.

● Юнусобод тумани, 3-даха, 16-уй, 27-хонадон эшигининг қалити синиб, қолдиғи кўлф ичида қолгани, ичкарида ёш болалар безовта бўлаётгани ҳақида хабар келди. Бу хонадон соҳибига ҳам беминнат хизмат кўрсатилди.

16 июнь
● Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 1/2 даҳасидаги 5-уй ва Юнусобод тумани, 13-даҳасидаги 8-уй эшикчлари ҳам қутқарувчилар ёрдамида очилди.

● Мирзо Улугбек туманидаги Қорасув-3 даҳаси, 13-уйда лифт ишламай қолгани натижасида ичкарида қолиб кетган одам қутқарилди.

Азамат СУЙОНОВ,
Фавқулодда вазиятлар вазири,
Матбуот хизмати раҳбари.

ГИЁВАНДЛИК — ИЛЛАТ

Танани емиради, телбага айлантиради

Инсон соғлиғи ва саломатлиғига кучли таъсир этувчи «оғу» бугунги кунда аср вабосига айланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Тиббиётда «нашаандлик» руҳий хасталик деб юритилади. Бу хасталикка чалинганларнинг кайфияти тез ўзгарадиган, хотираси, иш фаолияти паст бўлади, сал нарсадан ҳадиксирайди, телбага айланади.

Умуман гиёвандлик моддаларининг ҳаммаси юрак-томир тизимини, ошқозон-ичак йўллари емиради, айниқса асаб системасига ва бош миёга қаттиқ таъсир қилиб, уларни ишдан чиқаради. Гиёвандлар касалхонада бор-йўғи 2 ой даволанади, кейин махсус назорат остида бўлади. Аммо ашаддӣлари бедаводир, ҳатто 1 грамм наркотик учун жонларига қасд қилишдан ҳам бўйшмайди.

Шу ўринда бир воқеани келтириб ўтмоқчиман. У мактабда аъло баҳоларга ўқир, айниқса химия, физика фанларини севадди, келажакда олим бўлишни орзу қилиб юрарди. Бироқ янги дўстлар орттирдик, деб ўйлабди-ю аллақандай тўдага қўшилиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолган. Шу-шу гиёвандликка ишқи тушиб қолди. «Ханки» (улар қора дорини шундай аташарди) қабул қилган ўзининг энгил ҳамсизларидан, — дейди у, — ҳамма билан чақчақлашим, қувончимни бошқаларга ҳам юқтиргим келарверди. Уни тополмаган пайтими эса ота-онам ҳам, оилам ҳам, ишим ҳам кўзимга кўринмай, дунё тор бўлиб кетарди. Менга ҳамма нарса барибир эди. Ўғирлик қилибми, бировдан қарз олибми ёки кимор ўйнабми, қандай бўлмасин зарур пулни топардим-да, дорини ундирардим. Уни зудлик билан қор томиримга юборган, жоним ором оларди. Милция қўлга тушишдан кўра, қора дорини топа олмай қолиш дахшатли эди. Унинг азобига чидаб бўлмай-ди!»

Сўхбатдошимиз баданида орғик сезгандек тўсатдан сес-канди. Асабийлашганидан кўллари титраб, сийрақлашган, ёшига номуносиб оқариқираган сочини силади, унинг кўллари қараб бўлмас эди. Дорини тўфайли қон томирлари буртиб, қизариб, чандиқа айланган. Бу билиб-билмай саробга интилишининг оқибати эмасмикан? Гиёвандлик ва гиёванд моддалари билан олди-сотиди қилувчилар истаса-истамаса фақат қотиллик, ўғирлик, босқинчилик, фоҳишалик каби жамият учун хатарли кўчалардан юршига мажбурлигини яхши билардилар. Лекин шунга қарамай, олдиларидиға тубсиз жар томон боравердилар. Дунё кўзига тор бўлиб, тузалиш учун ҳар қандай ишдан қайтмай, ўзини минг томонга урадилар. Ўз хоҳиши билан гиёвандликка ўрганиб, баданга захар юборётганлар қандай кишилар экан?! Ахир гиёвандларнинг умри охири-оқибат қандай туғашини кўриб, билиб турибмизку, Гиёвандлик моддаси инсон танасини емирувчи курт, гиёвандлик эса чангак эканлиги барчамизга аён-ку. Уларнинг наркотик модда ўлкада расал бошланмишга, руҳий касалликлар, жинсий заифлик, қонинг айлиниши, мия фаолияти тузалиши сибангиси эканлиги хабарлари бормикан? Гиёвандлар нафақат ўз соғлиқларига балки оилалари, фарзандлари соғлиғига ҳам путур етказдилар.

Шундай экан ҳар биримиз атрофимизга нисбатан доимо хушёрлик кўзи билан қарадан анча ёш аёлларга уйланишлари одатий ҳол. Аммо ёш катта аёлларнинг набараси тенги йигитга турмушга чиқиши қандам-қан учрайдиган ҳолат. Бу ҳодисанинг бошқа бир сабаби ҳам бўлиши мумкин. Эрон қонунларига кўра турмуш қўрган йигитлар армияда икки йил эмас бир йил хизмат қилардилар. Эҳтимол бу ажабланиш ниқоҳга шу нарса сабаб бўлгандир.

Розия ИКРОМОВА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Адлия бошқармаси барча хўжалик субъектларига шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли Қарори 1-иловасининг 5-бандига мувофиқ, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камайитириш ва аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида юқорида кўрсатиб ўтилган меъёрий ҳужжат орқали хўжалик юритувчи субъектда ўтган икки йил учун ижобий аудиторлик хулосаси мавзуда бўлганда, охириги икки йил ичида бюджетга мuddати ўтган қарзлари бўлмагани ҳолда ва ҳар йили солиқ ва бошқа назорат органларига ижобий аудиторлик хулосасини батариб тақдим этиб борганида уларни солиқ ва назорат қилувчи органларнинг текширув рўйхатига 2 йил давомида киритмаслик имтиёзи берилади.

БУ АЖИБ ДУНЁ

«Сирли» олам
Қадимдан одамлар сонларнинг «сирли» хусусиятлари борлиғига ишондилар. Мунажжидлар эса инсоннинг туғилган йили, ойи, кунига қараб тақдирини айтиб берадилар, ҳатто исмларнинг сонини ҳам аниқлаб инсон феъл-аввалирини белгилайдилар.

Винконсон шатининг Белойт шифохонасида туғилган гўдак барчани хайратга солди. Ставен Уэлл деб ном қўйилган бу гўдак шу йил, яъни 1999 йил 9 ой (сентябрь)нинг 9 кунда эрталаб соат 9.00да дунёга келди. Бундай тасодифдан оғизлари очилган шифокорлар ишни тугал қилиш ниятида болани онаси Мари Уэлл билан 99- ёҳуд 999- хонага жойлаштиришмоқчи бўдилар. Афсуски, бу палаталар банд экан. Она-болага фақат 2115 хонадан жой топилиди. Шуниси қизиқарлики, агар хона рақамлари бир-бирига қўйилса, яна 9 сонни ҳосил бўлар экан.

Мутахассислар бу ҳодисани тасодифга эмас, балки гайритабиий кучлар ва илоҳиятга боғлашапти. Гўдак Ердан ташқаридаги кўчлар томонидан махсус «шифр»ланган деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Ана шундан кейин ҳам сонлар «сирли» ишонмай кўринг-чи!

Бадий фильмнинг шухрати

Икки ойдан бери Хитой кинотеатрларида намойиш этилаётган «Яшмоқ ёки ўлмоқ» бадий фильми томошбиларда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Фильмга порахурликка қарши кураш мавзу қилиб олинган. Бу асар Голливуднинг энг оластаси жангари фильмларини ҳам ортда қолдириб кетди. Ундан ташқари маблағни мамлакатда намойиш этилаётган бошқа картиналариникига ҳечам тенглаштириб бўлмайди. Фақат биринчи ҳафтанинг ўзида 25 миллион юанга (3 миллион доллар) палла сотилгани шундан далолат беради. Картинада ХРРдаги шаҳарлардан бирининг ҳокими — фильм қаҳрамони Ли Гаочэн ҳокимиятни олди-сотиб дига айланитириб олган маҳаллий мафия билан шартқатсиз жанга киришди... Охири-оқибат эътиқоидига садоқатли қаҳрамон галаба қилади, ёвуз кўчлар эса жазосини олади.

Мазкур фильм хитой жамоатчилиғига қизгин муносабат уйғотди. Унинг экранга чиққани мамлакат миқёсида юқори лавозимларни эгаллаган айрим порахур амалдорларнинг фўш қилинган пайтига тўғри келди. Боз устига, бу асар ҳозирги пайтдаги Хитой ҳаётини ҳаққоний акс эттиргани билан ҳам машҳур бўлиб кетди.

Ажабланишлик

Рейтер агентлигининг хабарига кўра муҳаббат ёш талнамайди деган қадимий нақлини 22 ёшли эрон фуқароси яна бир қарра исботлади. Бу йигитнинг хотини бўлишига рози бўлган аёл ундан анчагина катта, яъни 77 яшар. Уларнинг никоҳини қайд қилган ҳокимнинг айтишича, ҳар иккаловининг соғлиқлари яхши, эр-хотин бўлишларига монелик қиладиган ҳеч нарса йўқ. Эронда ва умуман кўпгина мамлакатларда ёши ўтганроқ эркекларнинг ўзларидан анча ёш аёлларга уйланишлари одатий ҳол. Аммо ёш катта аёлларнинг набараси тенги йигитга турмушга чиқиши қандам-қан учрайдиган ҳолат. Бу ҳодисанинг бошқа бир сабаби ҳам бўлиши мумкин. Эрон қонунларига кўра турмуш қўрган йигитлар армияда икки йил эмас бир йил хизмат қилардилар. Эҳтимол бу ажабланиш ниқоҳга шу нарса сабаб бўлгандир.

НИҚОҲ

«Нон-паста» ХЖ жамоаси «Тошкент нон» нон ишлаб чиқарувчилар уюмчаси кадрлар бўлими бошлиғи Маҳмуджон Аҳмедовга рафиқаси Дилором АХМЕДОВАНИНГ вафоти муносабати билан чукўр ҳамдардлик билдиради.

Педиатрия илмий-тектириш институти жамоаси ҳисобчи З. А. Рустамовга ўғли БЕХЗОДНИНГ бевақ вафот этганлиги муносабати билан чукўр ҳамдардлик билдиради.

«Сувоса» Давлат унитар корхонаси маъмурияти, касаб-ушма кўмитаси ва жамоаси ушбу корхона бош муҳандиси З. Т.